



THE ROLE OF PILGRIMS OF NAVOI REGION IN THE DEVELOPMENT OF INTERNAL TOURISM

Anvarjon Khasanovich Kandakharov

*Doctor of philosophy (PhD) in historical sciences, associate professor
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek*

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: anvar0303_82@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: place of worship, monuments, archaeological finds, rock paintings, handwritten sources.

Received: 24.11.23

Accepted: 26.11.23

Published: 28.11.23

Abstract: This article analyzes opinions on the reforms being carried out in our republic and their results regarding the development of domestic tourism. Also, the article, based on scientific literature, reveals the role and significance of shrines on the territory of the Navoi region in the development of domestic tourism.

ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА НАВОЙ ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТГОХЛАРИНИНГ ЎРНИ

Анваржон Хасанович Кандакхаров

*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон*

E-mail: anvar0303_82@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: қадамжолар, обидалар, археологик топилмалар, қоятош суратлар, кўлёзма манбалар.

Аннотация: Ушбу мақолада ички туризмни ривожлантириш борасида республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги фикрлар таҳлил қилинади. Шунингдек, мақолада Навоий вилояти худудидаги зиёратгоҳларининг ички туризмни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти илмий адабиётлар асосида очиб берилган.

РОЛЬ ПАЛОМНИКОВ НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ В РАЗВИТИИ ВНУТРЕННЕГО ТУРИЗМА

Анварджон Хасанович Кандахаров

Доктор философии (PhD) исторических наук, доцент

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

E-mail: anvar0303_82@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: место поклонения, памятники, археологические находки, наскальные рисунки, рукописные источники.

Аннотация: В данной статье анализируются мнения о реформах, проводимых в нашей республике, и их результатах относительно развития внутреннего туризма. Также в статье на основе научной литературы раскрываются роль и значение святынь на территории Навоийской области в развитии внутреннего туризма.

КИРИШ

Маълумки, туризмни ривожланишини инфратузилма, яъни бошқа соҳаларнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, жумладан, туризм обьектлари, жойлаштириш муассасалари, умумий овқатланиш, транспорт хизмати ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларига боғлиқ. Масалан, соҳани ривожланишига транспорт хизматини оладиган бўлсак, туризм йўналишлари бўйича авиарейслар ва темир йўл қатновларини самарали ва тизимли ташкил этиш кўп муаммолар ечимиға сабаб бўлади, туристларнинг вақтини тежайди, ортиқча харажатдан қутқаради. Ўзбекистон ўзининг бой маданий ва маънавий мероси, меъморий ва тасвирий санъати, тарихий обидалари билан, ҳамда Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Мухаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ахмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Яссавий, Абу Исо ат-Термизий, Мирзо Улугбек, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур каби кўплаб дунёга таниқли машҳур ва буюк аждодларимиз дунё олимлари ва сайёҳларини ўзига жалб этиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги[1:1] Фармони асосида бир қатор муаммоларни ечиш ва соҳани янада ривожлантириш имконияти туғилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Республикамиз вилоятлари ичida ёш жиҳатидан кичик бўлса-да, худуди ва майдони жиҳатидан энг йириги бўлган Навоий вилояти ҳам ўзига хос қадимий тарихига эга бўлиб, бу ерда инсониятнинг илк аждодлари маданиятига оид кўплаб топилмалар мавжуд. Вилоятда Навоий шахри, Кармана, Конимех, Қизилтепа, Нурота, Хатирчи, Навбаҳор каби

туманлар ва худудининг асосий қисми бепоён Қизилқум саҳроси кенгликларидан иборат. Бу ҳудудлар ўзининг саноати ва бой маъданлари билан қадимдан ҳалқимиз учун хизмат қилиб келган. Президент Ш.М.Мирзиёев ҳам Навоий вилояти хусусида “Азим Зарафшон воҳасида, беҳисоб табиий бойликлар макони бўлган Қизилқум минтақасида жойлашган Навоий вилояти, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизнинг дуру жавоҳирлар ҳазинаси” [4: 111], ёки вилоят тарихи хусусида, “Навоий вилояти бой маданий ва тарихий ёдгорликлари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Айниқса, Кармана шаҳри, Қосим Шайх мақбараси, Работи Малик ёдгорлиги, Қизилқум бағридаги Тош ўрмон, Сармишсойдаги тошга ўйилган қадими расмлар – буларнинг барчаси вилоятнинг қўхна тарихи ва маданиятидан далолат беради” [4: 119], деб таъкидлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам Навоий вилояти ҳудуди инсоният цивилизацияси бешикларидан бири бўлиб, унинг тарихини бу заминда яшаган улуг алломалар, тариқат пирлари ва уларнинг қадамжолари тарихи билан боғлаш мумкин. Уларнинг маънавий меросларини ўрганиш бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни ривожлантириш борасида олиб борилаётган сиёсий жараёнлар билан ҳам узвий боғланади.

Бугунги кунда Навоий вилоятида жами 230 дан ортиқ маданий мерос объектлари рўйхатга олинган бўлиб, шундан меъморчилик иншоотлари 63 та, археология иншоотлари 121 та, монументал иншоотлар 48 тани ташкил этади. Кармана туманинг ўзида эса республика миқёсидаги тўртта, маҳаллий ҳокимиятларга тегишли бўлган 15 та тарихий ёдгорлик бор. Бундан ташқари 15 та монументаль санъат асари мавжуд [11 : 69].

Мустақиллик туфайли ҳалқимизнинг ўтмишига, миллий-маънавий меросига, отабоболаримизнинг хотирасига, муқаддас урф-одатлар, миллий анъаналарга катта ҳурмат кўрсатилиб, бизга номаълум бўлган ноёб қўлёзма асарларимиз, қадими ёдгорликларимиз тадқиқотчи олимларимиз томонидан ўрганилмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, бу каби ҳайрли ишлар ҳалқимизнинг ва асосан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг дунёқарашида, ижобий шаклланишида ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Республикамиз Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2017 йил 14 июлда қабул қилинган “Абдухолик Фиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида [10.]” ги Фармойишида буюк ҳаёти ва фаолиятини, улар қолдирган бой илмий-диний меросининг гуманистик моҳиятини чукур ўрганиш, шу асосда ҳалқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Марказий Осиёда XIV асрда пайдо бўлган йирик тасаввуфий тариқатлардан бири Нақшбандия тариқати Хожа Мухаммад Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғлиқдир. Сайид Мухаммад Баҳоуддин Нақшбанд хижрий 718 йил мезон ойида (милодий 1318 йил

август-сентябрь) Бухородан 12 чақирим наридаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида косиб оиласида дунёга келади. Баҳоуддин у кишининг фахрий номлари бўлиб, маъноси диннинг нури, динга равшанлик берувчи демакдир. Хожанинг “Нақшбанд” кунияси эса арабча “накш”, форсча “банд” сўзларининг бирикмасидан ясалган бўлиб, «нақш солувчи, нақш боғловчи» деган маъноларни билдиради[4: 19].

Манбаларда таъкидланишича Сайид Амир Кулолдан Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд билан бирга машхур мутасаввуф аллома Мавлоно **Ориф Деггароний** ҳам таҳсил олган. Деггароний Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд билан ҳамнафас, тенгдош ва дўст бўлиб, у киши таҳминан 1313-1375 йиллар оралиғида бугунги Навоий вилоятининг Хазора қишлоғида Деггарон маҳалласида яшаб ўтганлар [5: 78]. Манбаларда кўрсатилишича, Мавлоно Ориф Деггароний Баҳоуддин Нақшбандга устозлик қилган. “Мақомати шоҳи Нақшбанд” китобида ёзилишича, - Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Ҳазрат Сайд Мир Кулолдан ижозат олгандан сўнг, етти йил Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний хизматларида бўладилар” [7 :174] .

Сайид Муҳаммад Носирнинг “Тухфат уз-зоирин” асарида: “Мавлоно Ориф Амир Сайид Кулолнинг аввал ўтган халифаларидан бўлиб, у Бухородан 9 фарсанг нарида, Кўҳак (Зарафшон) дарёсининг бўйида, Хазора қасабасида, Деггарон даҳасида Ҳожа Аҳмад Мисгар оиласида туғилган” деб айтилади. Шунингдек, Сайид Амир Кулол айтган эдилар: “Менинг ёронларим орасида мана шу икки киши, яъни Ҳожа Баҳоуддин ва Мавлоно Ориф Деггаронийга ўхшаган ҳеч ким йўқ” [1: 49].

Амир Кулол тарбиясини олган Мавлоно Ориф Деггароний кейинчалик Ҳазрат Хўжа Баҳоуддин Нақшбандга устозлик қилиб, етти йил мобайнида унинг тарбияси билан шуғулланган. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳам ўз навбатида Мавлоно Ориф Деггаронийни жуда хурмат қилган, унга бехад иззат-икром ва илтифотлар кўрсатган. Мавлоно Ориф Деггароний нақшбандия тариқатида пирлик мақомига етган соҳиби кароматлардан ҳисобланиб, Амир Кулолнинг асхобларидан бўлиб Хўжа Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий устози саналган. Хусусан, Баҳоуддин Нақшбандийнинг Хазорада, Мавлоно Ориф Деггароний хизматида бўлган кезлари манбаларда қўйидагича келтирилади: “Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ўша нафас туфайли етти йил Мавлоно Ориф Деггаронийнинг хизмати ва мулизаматида бўлдилар. Бу мулизаматда хилма-хил риёзат ва жидду жаҳдни ўз бўйниларига олдилар. Деггарон ва унинг атрофларида юрдилар. Кўп вақтлар Мавлоно Ориф билан бирга Работи Малик қурилишида мардикорлик қилдилар” [1: 50].

Айрим ривоятларда келтирилишича, буюк пир Сайид Амир Кулолнинг тўрт нафар ўғиллари бўла туриб, 1372 йили бандаликни бажо килаётганда қабрга ўнг томондан Мавлоно Ориф, чап томондан эса Баҳоуддин Нақшбанд қўйишини васият қиласди.

Тахминан 1375 йилда вафот этган Мавлоно Ориф Деггароний ҳам қабрга ўз ўғли эмас, Баҳоуддин Нақшбанд кўйишини ва қабри бошидан уч кун жилмаслигини васият қиласди. Бу васият Баҳоуддин Нақшбанд томонларидан тўлалигича адо этилади. Бугунги кунда Хазора қишлоғида Мавлоно Ориф Деггароний мажмуаси жойлашган бўлиб, қабр худди Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандийнинг қабри каби мармар тошлар билан сайқалланган ва обод зиёратгоҳлардан бирига айлантирилган.

Нақшбандия тариқатининг яна бир машхур уламоларидан, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд билан бир замонда яшаб, унинг эътиборли шогирдлари қаторида бўлган **Хожа Ҳусравдир**. У кишининг туғилган ва вафот этган санаси аниқ бўлмасада, манбаларда Хожа Баҳоуддин билан билан ҳамсухбат бўлиб, унинг мажлисларида иштирок этганлиги айтиб ўтилади. Хусусан: “Нақл қилишларича бир куни Шайх Ҳожа Ҳусрав Ҳазрат Баҳоуддин ҳузурларида илтижо қилиб арз қилдилар: Ҳаромком (Зарафшон) суви гоҳо Кармана анҳори бошланишини ювиг кетиб, яна қайтадан анҳорни ковлашга тўғри келаябди, бундан халқа қаттиқ ташвиш етмоқда. Шу куни яна уни вайрон қилай деб турибди. Яна йўлтўсарлардан Кармана аҳлига кўп ташвиш етмоқда”, -дейди. Шунда Ҳазрат Ҳожа (Баҳоуддин Нақшбанд) дедилар: “Энди Ҳаромком суви тошиб, Кармана анҳорини вайрон қилмайди. Йўлтўсарлар энди Кармана аҳлига ташвиш келтирмайди”. Бу сўзлар у кишининг муборак оғизларидан чиққан кунлари подшоҳдан “Йўлтўсарлар Кармана аҳлига зиён келтирмасин” деган хукм эълон килинди [1: 141]. Ушбу асарда шу кундан бошлаб Кармана аҳли тинч ва осойишта ҳаёт кечирганлигига ишора қилинади.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандининг яна бир карманалик шогирларидан бири **Шайх Нуриддин** деган киши бўлиб, у ҳам XIV асрда яшаб ўтган нақшбандия тариқати пешволаридан саналган. Манбаларда Ҳазрат Шайх Нуриддиннинг яшаб вафот этган санаси тўғрисида аниқ маълумотлар учрамасада, у киши ҳақида келтирилган ривоятлар юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Фахриддин Али Сафийнинг “Рашоҳату айнил ҳаёт” китобида қуйидаги фикрлар келтирилади: “Махфий қолмасунким, хизмати Амир Ҳамзага бу азизларданким, зикрлари ўтди, бошқа асҳоблар ҳам бор экан, мисли Шайх Умар Сўзангар Бухорий ва Шайх Аҳмад Хоразмий, Мавлоно Атауллоҳ Самарқандий ва Хўжа Маҳмуд Ҳаммўйи ва Мавлоно Ҳамидуллодин ва Мавлоно Нуриддин ва Мавлоно Сайид Аҳмад – бу учлари Карминий туурлар... ва булардан ўзга асҳобларким ҳаммалари фозили комил эрдилар. Аммо вақтеким, оларнинг ҳолларидан бир нимарса эшитилган нақл масмуъ ва маълум бўлгани йўқ эрди, ҳар бирларининг зикри алоҳида ирод топмади” [9: 73]. Тарихдан маълумки Амир Ҳамза, Ҳазрати Амир Кулолнинг иккинчи фарзанди бўлиб юртдошимиз Мавлоно Ориф Деггаронийнинг шогирдларидан ҳисобланади. Китобдан кўриниб турибдики Мавлоно Шайх Нуриддин Амир Ҳамзанинг шогирди экан. Агарки Мавлоно

Шайх Нуриддин Амир Ҳамзанинг шогирдларидан бўлган экан демак, улар замондош бўлиб XIV асрда яшаб ўтишган. Ҳазрат Шайх Нуриддин қабри Қосим Шайх Азизон мақбарасидан 200 метр шимоли-ғарбда жойлашган. Қабр устига мақбара ўрнатилган.

Яна бир нақшбандия шайхларидан **Мир Сайид Баҳром** X-XI асрларда яшаган етук аллома, дин арбоби, тақвodor, кароматлар соҳиби, комилликка эришган авлиё бўлиб, силсиласи бўйича пайғамбар Муҳаммад (с.а.в)га бориб тақалади [2: 69]. Унинг мақбараси Кармана шахри марказида жойлашган. У X-XI асрларга хос бўлиб, республика ҳисобидаги обидалар қаторига киради. Бино сомонийлар даврида бунёд этилган бўлиб, унинг ички қисми ўртасида Мир Сайид Баҳром дафн этилган. Қабр ёнида арабча битиклар ёзилган иккита қабр тоши ҳам сақланиб қолган. Мақбаранинг ғарб томонида табиий тепалик бўлган. Атрофи мозор бўлиб, уни Мир Сайид Баҳром мозори деб аташган. Ҳозирги кунда тепалик, мозор ва мачит бузилиб кетган. Мир Сайид Баҳром мақбараси хусусида ўтган асрнинг 50-йилларида рус шарқшуносларидан В.А.Нильсен ва А.К.Писарчиклар алоҳида тадқиқот олиб боришган. Уларнинг тадқиқотларида асосан обидаларнинг меъморчилигига оид маълумотлар келтирилади.

Тарихий манбаларда бугунги Навоий вилояти худудида қўплаб яссавия тариқати вакиллари ҳам яшаб фаолият юритганлигини кўришимиз мумкин. Биргина Қосим Шайх Азизон (1500–1578) ва Шайх Худойод Валий (1461–1532) ва уларнинг қўплаб муридлари бўлганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, Кармана Миёнқоли ва унинг чегара худудларида Ҳожа Ахмад Яссавий ва яссавия тариқатига тааллуқли жойлар, номлар ва тушунчалар кўплаб учрайди. Жумладан, бугунги Навбаҳор тумани Қаҳрамон қишлоғида Аҳмад Яссавий зиёратгоҳи мавжуд бўлиб, бу ерда унинг рамзий қабри ҳам бор [11:81]. Шу атрофларни халқ тилида Туркистон деб аталиши ҳам фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Тасаввуф тарихи ва моҳиятига бағишлиб ёзилган қўплаб манбаларда “Ота” ва “Азизон” атамалари бевосита Яссавия тариқатига мансуб шайхларга нисбатан қўлланилган. Бугунги Навоий вилояти худудида ҳам “ота” номи билан боғлиқ жойлар кўплаб учрайди. Масалан: Сабр ота(Ҳожа Савр), Қалқон ота, Оқ ота, Қилич ота, Кавқабий ота, Полвон ота, Занги ота, Авлиё ота, Ғойиб ота, Имом Баҳра ота, Сайид ота Бадр ота ва хоказо. Шу ўринда Карманага туташ бўлган Қарнаб ота хусусида фикр билдирганда бу ерда яшовчи халқ Яссавий юрти томонлардан экани айрим урф-одатлари ва шеваларида кўзга ташланади.

Сайид ота зиёратгоҳи ҳозирги Ҳатирчи тумани Боғчакалон қишлоғида жойлашган бўлиб, бу кишининг сифатлари ва яссавия тариқатидаги силсиласи “Ламаҳот” асарида айтиб ўтилади. Асарда келтирилишича, Сайид отанинг асли исми Сайид Аҳмад бўлиб, 1318-1319 йилларда Хоразмда туғилган ва ўн тўрт ёшларида Бухорога келиб, мадрасада таълим олган. Узун Ҳасан ота, Сайид ота ва Бадр оталар Бухорога келиб бир хонадонда

туриб дарс ўқишиган. Кейинчалик тақдир тақозоси билан шарққа томон силжиб, Кармана Миёнқолига келиб яшайди ва 1380-1390 йилларда бу ерда бир масжид барпо этади. Бу масжид бугунги кунда “Оқмасжид” номи билан аталиб, мустақиллик йилларида обод зиёратгоҳга айлантирилди [11:82].

Бадр ота (вафоти тахм. 1336-1337 йиллар). “Ламахот”да келтирилишича, Занги отанинг тўртинчи ҳалифаси бўлиб, яссавия тариқатининг етук пирларидан хисобланган. Ҳазрат Бадр отанинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида қўплаб тарихий асарлар ва тазкираларда маълумотлар келтирилади. Жумладан, “Темурнома” асарида Ҳазрат Бадр ота қабрини Тошкентдан тўрт тош йўллик Куйик номли мавзеда деб кўрсатади. Ҳақиқатдан ҳам Тошкент вилоятининг ҳозирги Зангиота туманида Бадр ота номли қабр ҳам мавжуд. Лекин айрим тарихий асарларда ва тадқиқотларда Бадр отанинг қабрини қадимги Миёнқолда деб кўрсатади. баъзи тадқиқотларда келтирилишича, Бадр ота ҳақида маълумот берувчи энг ишончли манба Тоҳир Эшоннинг “Тазкираи Тоҳир Эшон” асаридир [9: 69]. Ушбу асарда 31 нафар Шайхларнинг таржимаи холи ҳақида маълумотлар берилади. Ушбу асарда таъкидланишича: “Бадр отанинг муборак қабрлари Миёнкўл отлиғ мавzedadir ва факир Муҳаммад Тоҳир Бадр отанинг қабрларини зиёрат этдим. Қорача ахли хўжалари ҳазратнинг авлодлариридир”[12: 91], -деб маълумот беради. Демак, ушбу маълумотларни инобатга олиб Ҳазрат Бадр отанинг муборак қабри қадими Мирони Ҳатирчи музофотидаги Қорача қишлоғида деб тахмин қилишимиз мумкин. Бугунги кунда ҳозирги Ҳатирчи тумани Ибн Сино жамоа хўжалигининг Қорача қишлоғида Бадр Ота қабри мавжуд бўлиб, қабр устига мақбара ҳамда унинг ёнида тахминан 15 метр баландликдаги минора ҳам ўрнатилган [11:83].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда бугунги Навоий вилояти худудида яшаган қўплаб тасаввуф алломалари ва уларнинг маънавий меросларини ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда ўрта асрларда яшаган алломаларнинг ҳаёт ва фаолиятлари, зиёратгоҳларига оид қўплаб тарихий манбалар, архив хужжатлари ва қабртош ёзувларидағи маълумотларни тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиш Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАРРЎЙХАТИ

1. Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомати Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд. –Т.: Ёзувчи, 1993.
2. Абу Тоҳирхожа. Самария. Форс тилидан Ш.Воҳидов, Б.Аминов таржимаси. Т.: Янги аср авлоди, 2009.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш етти пир. Бухоро, 2006.
5. Сатторова Г. Бадр ота – тариқат илмининг намояндаси. / Ҳожагон тариқати ва Абдуҳолик Фиждувонийнинг маънавият тарихидаги ўрни. Илмий-назарий конференция материаллари. Навоий, 2003.
6. فاخرودین علی سعیدی. راشخات عاین الْحَیَاةِ (رashāḥat ʻayin al-ḥayāt). /Форс тилидан Худойберган ибн Бекмуҳаммад таржимаси. –Т.: Абу Али ибн Сино нашриёти, 2004.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Абдуҳолик Фиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида” ги ПФ-4988-сон Фармойиши. www.lex.uz
8. Қандаҳаров А. Бухоро хонлиги ва унда карманалик шайхлар фаолияти. Т.: Тафаккур қаноти, 2018.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5283956>
10. Кандахаров, А., & Бабаярова, Ш. (2023). БУХОРО ХОНЛИГИДА АБДУЛЛАХОН II ДАВРИНИНГ ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, 3(10).
11. Satorov, K., & Khasanovich, K. A. (2023). MYSTIC SECRETS IN TURKISTAN: YASSAVIYA, KUBROVIYA AND NAQSHBANDIYA. *Open Access Repository*, 4(3), 1582-1590.
12. Qandaxarov, A. (2023, January). O'ZBEKİSTONDA KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHGA OID AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR MOHIYATI. In *INTERDISCIPLINE INNOVATION AND SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE* (Vol. 1, No. 5, pp. 139-144).
13. Khasanovich, K. A. (2022). SOCIO-POLITICAL PROCESSES IN THE BUKHARA KHANATE IN THE XVI CENTURY: RELATIONS OF RELIGION AND STATE. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(6).